

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ



5510200 - ПЕДИАТРИЯ (ТАРМОҚЛАР ВА ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА) ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ НЕГИЗИДАГИ:

- 5A510201 Педиатрия (йўналишлар буйича)
- 5A510201 Педиатрия (Болалар нефрологияси)
- 5A510201 Педиатрия (Болалар аллергологияси)
- 5A510201 Болалар ва ўсмирлар гинекологияси
- 5A510202 Болалар хирургияси
- 5A510203 Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси
- 5A510204 Болалар кардиологияси ва ревматологияси
- 5A510205 Болалар неврологияси
- 5A510206 Неонатология
- 5A510208 Болалар гастроэнтерологияси
- 5A510209 Болалар пульманологияси

магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун махсус (ихтисослик)
фанларидан

ДАСТУР

Тошкент - 2020 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

“Келишилган”
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“Келишилган”
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

“Тасдиқлайман”
Андижон Давлат тиббиёт
инститuti ректори
М.М.Мадазимов

“ ” 2020 йил

“ ” 2020 йил



“ ” 2020 йил

**5510200 - ПЕДИАТРИЯ (ТАРМОҚЛАР ВА ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА) ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ НЕГИЗИДАГИ:**

- 5A510201 Педиатрия (йуналишлар буйича)
- 5A510202 Болалар хирургияси
- 5A510203 Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси
- 5A510204 Болалар кардиологияси ва ревматологияси
- 5A510205 Болалар неврологияси
- 5A510206 Неонатология

**магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун махсус
(ихтисослик) фанларидан**

ДАСТУР

Андижон - 2020 й.

Аннотация

Дастур 5A510201 Педиатрия (йўналишлар буйича), 5A510202 Болалар хирургияси, 5A510203 Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, 5A510204 Болалар кардиологияси ва ревматологияси, 5A510205 Болалар неврологияси, 5A510206 Неонатология магистратура мутахассислигига қиравчилар учун 5510200 - Педиатрия таълим йўналишининг 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

ТУЗУВЧИЛАР:

А.Ш.Арзиқулов – АДТИ ўқув ишлари буйича проректор, т.ф.д., профессор.

М.Ш.Ганиева – АДТИ госпитал педиатрия кафедраси мудири, т.ф.н., доцент;

Б.Х.Мирзакаримов - АДТИ болалар хирургияси кафедраси мудири, т.ф.н., доцент;

У.Т.Абдуқодиров - АДТИ неврология кафедраси мудири, т.ф.н., доцент;

Б.Б. Инакова – АДТИ факультет педиатрия ва неонатология кафедраси мудири,

т.ф.н., доцент

КИРИШ

5510200 – Педиатрия (тармоқлар ва йўналишлар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши – тиббиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларга, соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадбирларга, даолаш муассасаларидаги фаолиятга, санатория ва дам олиш масканларидаги фаолиятга, умумий ва ихтисослаштирилган шифохоналар фаолиятига, соҳа истиқболлини белгилашга, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси - талабалар билимларини чуқурлаштириш ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни, соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадбирларни, даолаш муассасаларидаги фаолиятни, санатория ва дам олиш масканларидаги фаолиятни, умумий ва ихтисослаштирилган шифохоналар фаолияти ҳамда иилгор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5510200-Педиатрия бакалаврият таълим йўналиши негизидаги 5A510201-Педиатрия (йўналишлар бўйича), 5A510202 -Болалар хирургияси, 5A510203 -Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, 5A510204 - Болалар кардиологияси ва ревматологияси, 5A510205-Болалар неврологияси, 5A510206-Неонатология магистратура мутахассисликларига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан ихтисослик фанлари бўйича асосида тузилган, ва тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

ПЕДИАТРИЯ фани бўйича:

Фан блоклари бўйича ўқув материалларини қисқача мазмуни. Кириш. Педиатрия тарихи. Болалик даврларининг, чақалоқ, илк гўдақ, эрта ёш, мактаб ёшигача, мактаб ёши, ўсмирликда касалланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Педиатрия фанига кириш, фанни мақсади ва вазифалари. Педиатрия тарихи ва Ўзбекистонда педиатриянинг ривожланишига ҳисса қўшган буюк олимлар тўғрисида маълумот. Педиатрия фанининг ривожланиши ва эришилган ютуқлари. Пеиатрияда охирги йилларда олиб борилаётган илмий- тадқиқот ишлари. Педиатриянинг келажаги ва янги истиқбол режалари.

Юрак-қон томир тизими ва бўғим касалликлари . Кардиоревматологиянинг долзарб муаммолари. Замоनावий ревматизм касаллигининг кечиш хусусиятлари. Чақирувчиси. Патогенези. Таснифи. Клиник кечиши. Ташхис мезонлари. Ташхисотда қўйиладиган хатолар. Даво тактикаси. Ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Ревматизм касаллигининг ҳозирги кеча кундузда тутган урни. Чет эл ва Ўзбекистон олимларининг ревматизм касаллигини ташхислаш ва даволашда қўшган хиссаси.

Системали касалликларни даволаш принциплари. Системали касалликларни жумладан ювенил ревматоидли артрит, системали қизил югуруқ, тугунчали периартериит, системали склеродермия, дерматомиозит касалликларини даволашда комплекс давонинг асосий мақсадлари. Касалликнинг турига кўра фаол патогенетик давога кирувчи дори-дармонларни танлаш. Цитотоксик давони қўллашдаги асосий қонун-қоидалар ва хатоликлар. Антиревматик даво ўтказишда маҳаллий даволар, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Системали касалликларни ташхислаш ва даволашда қўйиладиган хатоликлар ва уларнинг олдини олиш.

Соғлом бола махсус фани бўйича мавзулар

Ривожланишнинг асосий босқичлари. Чақалоқ болалар адаптацион даврнинг физиологик аҳамияти. Чала туғилган болалар. Гўдак ёшидаги болалар. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар. Жисмоний асабий – рухий ривожланиш қонуниятлари. Акселерация ва ретардация. Овқатланиш. Соғлом болалар гигиенаси ва чиниқтириш. Массаж ва гимнастика. «Соғлом болалар кабинети» ни ташкил қилиш асослари. Боғча ва мактаб ёшидаги болаларга профилактик ёрдамни ташкил қилиш. Болалар ва ўсмирларнинг рухий-соматик саломатлиги ва хулқи. Ҳар хил ёшдаги болаларнинг ривожланишдаги рухий ижтимоий муаммолари, болалардаги кўрқув, бола ва телевидение, зарарли одатлар гиперфаоллик синдроми, агрессив хулқ, сексуал мослашиш турлари. Рухий- соматик бузилишлар: овқатланиш ва уйқунинг бузилиши, нажас ва пешобни тутиб тура олмаслик, неврозлар, депрессия. Болалар психозлари. Болаларнинг интеллектуал ва рухий- ижтимоий ривожланишда ота-оналарнинг ва болалар ижтимоий муассасаларининг ўрни.

- боланинг ривожланишини асосий босқичлари;
- болаларнинг аъзолари ва тизимларини анатомио-физиологик хусусиятлари;
- болаларни жисмоний ва асаб-рухий ривожланишини қонун- қоидалари;
- соғлом боланинг овқатланиши;
- соғлом болани чиниқтириш ва гигиеник тарбиялаш асослари;
- соғлом болаларда ўтказиладиган профилактик ишларни ташкилий асослари;
- болаларни иммунизация қилиш;
- оила ва болалар ижтимоий муассасаларда болаларни мослашиш имкониятлари ва шахс шаклланиш хусусиятлари;
- ривожланиш ва рухий-соматик бузилишлари;
- зарарли одатларни рухий профилактикаси;
- болалар ва ўсмирларда эмоционал ва хулқий бузилишларни умумий ва махсус рухий даволаш усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- педиатр амалиётида ишлатиладиган асосий атамаларни;
- поликлиникада ва соматик стационарда қўлланиладиган асосий буйруқларни;
- соғлом болаларда ўтказиладиган профилактик ишлар, овқатланишни, чиниқтиришни, гигиеник тарбияни асосларни ташкил қилиш усулларини;
- жисмоний ва асаб-рухий ривожланишни баҳолаш усулларини;
- профилактик эмлаш календарни, кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни;
- боланинг психосоматик ривожланиш даражасини ва умумий ҳолатини баҳолашни ташхис мажмуасини амалга оширишни;
- болалар ва ўсмирларни ривожланиши бузилишини оилавий ва ижтимоий сабабларни аниқлашни;
- шахсий, оилавий ва ижтимоий рухий гигиена ва рухий профилактик чоратadbирларни режалаштириш ва амалга оширишни билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ҳомилани антенатал ҳимоя қилишни ташкиллаштириш ва янги туғилган чақалоққа тиббий хизмат кўрсатиш;
- эрта даврдаги болаларни диспансер назоратини ташкиллаштириш;
- мактабгача ва мактаб ёшдаги болаларни диспансер назоратини ташкиллаштириш;
- болани жисмоний ва асаб-рухий ривожланишини баҳолаш;
- ҳар-хил ёшдаги болаларни овқатланишининг ҳисоблаш;
- ривожланиш бузилишларни рухий гигиена ва рухий профилактика қилиш;
- болаларни кўриқдан ўтказиш;
- болалар ва ўсмирларнинг ота-онаси билан ишлаш;
- тиббий ҳужжатларни тўлдириш кўникмаларига ва тажрибасига эга бўлиши керак.

Эрта ёшдаги болалар патологияси махсус фанмдан мавзулар

Ўткир бронх ўпка касалликлари: ўткир бронхит, ўткир обструктив бронхит, бронхиолит, ўткир облитерланувчи бронхиолит, рецидивланувчи бронхит, пневмония. Трахея, бронх, ўпка ва ўпка томирлари ривожланишидаги нуқсонлар. Бронх ўпка дисплазияси, альвеолитлар гуруҳи (экзоген, аллергик альвеолит, токсик ва идиопатик фиброзиранувчи альвеолит). Плевритлар. Муковисцидоз ўпка тури. Туғма юрак нуқсонлари. Норевматик кардитлар. Кардиомиопатия. Мальабсорбция синдроми билан кечувчи касалликлар. (лактаз етишмовчилик, глютенли энтеропатия, муковисцидознинг ичак тури). Сийдик чиқариш йўллари инфекциялари. Пиелонефрит.

Юрак туғма нуқсонларни даволашни ўзига хослиги. Юрак туғма нуқсонларининг келиб чиқиш сабаблари, патогенези, гемадинамик бузулишларнинг турларига кура таснифи. Куп учрайдиган юрак туғма нуқсонларининг клиник кечиши, функционал ташхис мезонлари ва консерватив даво чоралари, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Юрак туғма нуқсонларини даволашда, ташхислашда қўйиладиган хатоликлар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари. Юрак гликозидларига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Симптоматик давонинг умумий қонун қоидалари.

Кардиомиопатиялар. Кардиомиопатияларнинг турлари
Кардиомиопатияларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳар хил турига кўра патогенези, ҳар бир турнинг клиник кечиши, ташхис мезонлари, қиёсий ташхиси ва даво чоралари, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Оқибатлари. Кардиомиопатияларни даволаш ва ташхислашда учрайдиган қийинчиликлар ва қўйиладиган хатоликлар. Уларни олдини олиш ва бартараф қилиш чора-тадбирлари. Кардиомиопатия билан хасталанган бемор болалар турмуш тарзини яхшилаш чора-тадбирлари.

Нафас тизими касалликлари. Бронх-ўпка касалликларининг долзарб муаммолари. Уткир зотилжамнинг ва нафас тизими касалликларининг тарқалиши, болалар касалланиш тизимида тутган ўрни ва болаларнинг улимига сабаб бўлувчи асосий омил. Ўткир пневмонияларнинг таснифи, этиологияси, патогенези, чакирувчиларига кўра касалликнинг клиник кечиши, ташхис мезонлари ва этиотроп давоси, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Уткир пневмонияларни ташхислаш ва даволашда қўйиладиган хатоликлар ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари. Чакирувчисига кўра этиотроп давони ўтказишда босқичли этиотроп давонинг хусусиятлари. Уткир пневмонинг ўпка ва ўпкадан ташқари кузатиладиган асоратлари. Асоратли пневмонияларда даво тактикаси.

Ўпканинг системали ва наслий касалликларда жароҳатланиши. Ўпканинг системали ва наслий касалликларда жароҳатланишининг учраш тезлиги. Ўпканинг системали ва наслий касалликларда жароҳатланишининг турлари. Ўпка гемосидерози, альвеолитлар ва системали касалликларда ўпка жароҳатланишининг ўзига хос хусусиятлари, клиник кечиши, ташхис мезонлари, бошқа касалликлар билан қиёсий ташхиси, давоси, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари, оқибатлари. Ўпканинг системали ва наслий касалликларда жароҳатланишини даволашда қўйиладиган хатоликлар, қийинчиликлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари.

Ошқозон-ичак тизими касалликлари. Болалар гастроэнтерологиясининг долзарб муаммолари. Болаларда ошқозон-ичак тизими касалликларининг тарқалиш тезлиги ва даражаси. Ошқозон-ичак касалликларининг болалар касалликлари тизимида тутган ўрни. Замонавий ошқозон – ичак касалликларининг кечиши. Ошқозон-ичак касалликларини ўрганишда чет эл ва Ўзбекистон олимларининг қўшган ҳиссаси. Ошқозон-ичак касалликлари тизимида ошқозон ва 12-бармоқли ичак яра касаллигининг тутган ўрни. Ошқозон-ичак касалликлари тизимида ошқозон ва 12-бармоқли ичак яра касаллигининг патологоанатомик, эндоскопик ва клиник таснифи, клиник белгилари, ташхис мезонлари, қиёсий ташхиси ва давоси. Ошқозон ва 12-бармоқли ичак яра

касаллигининг келиб чиқишига кўра даво чоралари. Профилактика ва реабилитация масалалари. Болаларда ошқозон-ичак трактининг юқори қисми касалликларининг даво принциплари. Тартиб, пархез, медикаментоз ва номедикаментоз даво принципларининг ўзига хослиги, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Болаларда ошқозон-ичак трактининг юқори қисми касалликларини ташхислашда ва даволашда йўл қўйиладиган хатоликлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари.

«Ўнг қовурга» синдроми. Қоринда оғриқ синдроми хакида тушунча ва қайси касалликларда учраши туғрисида батафсил маълумот. Дуоденит, гастродуоденит, сурункали гепатит, ўт йўллари дискинезияси ва тош касаллиги, холецистохолангит, панкреатит каби касалликларнинг учраш тезлиги, клиник кўриниши, ташхисий мезонлари, қиёсий ташхиси, даво чоралари, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари, реабилитация масалалари. Дуоденит, гастродуоденит, сурункали гепатит, ўт йўллари дискинезияси ва тош касаллиги, холецистохолангит, панкреатит каби касалликларни даволашда ва ташхислашда қўйиладиган хатоликлар ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари.

Буйрак касалликлари Нефрологияда касалликларни ташхислашда қўйиладиган хатолар. Болаларда гломерулопатиялар. Гломерулопатияларнинг турлари. Орттирилган гломерулонефрит, наслий нефрит, постстрептококкли нефрит, аллергия нефрит, интерстициал нефрит. Гломерулонефритларнинг таснифи, клиник кечиши, ташхис мезонлари, қиёсий ташхиси, даво ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари ва оқибатлари. Гормонал давога кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Гормонал давонинг турлари, гормонал давонинг салбий ножўя оқибалари. Иценго-Кушенга синдроми. Асоратларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш чора-тадбирлари. Нефротик синдром ва нефритик синдромнинг ўзаро фарқи.

Тубулопатиялар. Касалликнинг таснифи, клиник кечиши, учраш тезлиги, ташхис мезонлари, ўхшаш касалликлар билан қиёсий ташхиси, даво, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари ва оқибатлари. Тубулопатияларни ташхислашда қўйиладиган хатоликлар ва уларни бартараф қилиш чора-тадбирлари. Тубулопатияларни ўз вақтида даволамаслик натижасида келиб чиқадиган асоратлар.

Буйракнинг системали касалликларда жароҳатланиши. Люпус нефрит туғрисида маълумот. Касалликнинг кечиши, ташхис мезонлари, қиёсий ташхиси ва даво чораларининг ўзига хослиги, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари, оқибатлари. Буйракнинг системали касалликларда жароҳатланиши касалликларида жароҳатланишини даволашда қўйиладиган хатоликлар, қийинчиликлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари. Касалликнинг фаол патогенетик давога кирувчи дори-дармонларни танлаш. Цитотоксик давони қўллашдаги асосий қонун-қоидалар ва хатоликлар. Системали қизил югуруғда даво ўтказишда маҳаллий даволар, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Системали касалликларни ташхислаш ва даволашда қўйиладиган хатоликлар ва уларнинг олдини олиш. Гормонал давога кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Гормонал давонинг турлари, гормонал давонинг салбий ножўя оқибалари. Иценго-Кушенга синдроми. Асоратларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш чора-тадбирлари.

Дисметаболик нефропатиялар. Таснифи. Дисметаболик нефропатиянинг ўзига хос кечиши, клиник кўриниши, ташхис мезонлари, қиёсий ташхиси, даво ва пархезнинг катта аҳамияти, ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари, оқибати. Дисметаболик нефропатияни даволашда йўл қўйиладиган хатоликлар, оқибати ва бартараф қилишнинг чора-тадбирлари. Буйрак тош касаллигининг олдини олиш.

Қон касалликлари Анемиялар. Умумий таъриф, этиопатогенетик асослар, ташхис, қиёсий ташхис, даво, замонавий даво, маҳаллий даво, бирламчи ва иккиламчи профилактик тадбирлар, реабилитация. Оқибатлари. Анемияларда ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Анемиянинг турларига кўра даво чораларини ҳал қилиш, анемияга қарши дори-дармонлар таснифи. Ичишга ва

инъекциядаги дори-дармонларнинг фарқи ва аҳамияти. Даво чораларининг давомийлигига боғлиқ омиллар. Феррокинетика кўрсаткичлари. Темир моддасининг захиралари тўғрисида.

Лейкозлар. Умумий таъриф, этиопатогенетик асослар ва сабабалари, ташхис, қиёсий ташхис, даво, замонавий даво, маҳаллий даво, бирламчи ва иккиламчи профилактик тадбирлар, реабилитация. Оқибатлари. Лейкозларда ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Лейкознинг турларига кўра даво чораларини ҳал қилиш, лейкозга қарши дори-дармонлар таснифи. Ичишга ва инъекциядаги дори-дармонларнинг фарқи ва аҳамияти. Даво чораларининг давомийлигига боғлиқ омиллар. Лаборатор кўрсаткичларнинг даво чораларни баҳолашда аҳамияти. Суяк кўмиги тўғрисида.

Геморрагик диатезлар. Умумий таъриф, этиопатогенетик асослар, ташхис, қиёсий ташхис, даво, замонавий даво, маҳаллий даво, бирламчи ва иккиламчи профилактик тадбирлар, реабилитация. Оқибатлари. Геморрагик диатезларда ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Геморрагик диатезларнинг турларига кўра даво чораларини ҳал қилиш, дори-дармонлар таснифи. Ичишга ва инъекциядаги дори-дармонларнинг фарқи ва аҳамияти. Даво чораларининг давомийлигига боғлиқ омиллар. Лаборатор кўрсаткичларнинг даво чораларни баҳолашда аҳамияти. Қон кўрсаткичлари.

Аллергологик касалликлар. Умумий аллергология асослари. Аллергик реакцияларнинг турлари. Ташхислаш усуллари – аллергия ва аллергенлар тўғрисида тушунча. Аллергенларнинг таснифи. Ташхислаш, қиёсий ташхислаш ва давонинг замонавий усуллари. Реабилитация ва профилактиканинг тамойиллари. Аллергологик касалликларнинг терапиясига индивидуал ёндашув. Аллергологик касалликларнинг функционал ва лаборатор диагностикаси ва махсус аллергологик тестларни («in vitro, in vivo») ўтказиш. Аллергологик касалликларда ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари.

Болаларда бронхиал астма ва поллинозлар. Касалликларнинг таснифи, эпидемиологияси, учраш тезлиги, клиник кечишининг ўзига хослиги, қиёсий-ташхисий мезонлари, даволаш тамойиллари, асоратлари ва оқибатлари. Болаларда бронхиал астма ва поллинозларнинг ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Болаларда бронхиал астма ва поллинозларнинг турларига кўра даво чораларини ҳал қилиш, дори-дармонлар таснифи. Ичишга ва инъекциядаги дори-дармонларнинг фарқи ва аҳамияти. Даво чораларининг давомийлигига боғлиқ омиллар. Лаборатор кўрсаткичларнинг даво чораларни баҳолашда аҳамияти.

Овқат аллергияси ва инсект аллергиялар. Таърифи, таснифи, эпидемиологияси, ҳар хил шаклларининг клиник -морфологик тавсифи, қиёсий ташхислаш тамойиллари, замонавий давоси. Болаларда Овқат аллергияси ва инсект аллергияларида ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Овқат аллергияси ва инсект аллергияларнинг турларига кўра даво чораларини ҳал қилиш, дори-дармонлар таснифи. Ичишга ва инъекциядаги дори-дармонларнинг фарқи ва аҳамияти. Даво чораларининг давомийлигига боғлиқ омиллар. Лаборатор кўрсаткичларнинг даво чораларни баҳолашда аҳамияти.

Дори аллергияси. Анафилактик шок. Зардоб касаллиги. Патологияларнинг ҳар-хил клиник-морфологик шаклларининг тавсифи. Шифохонага ётқизишга кўрсатмалар. Даво ва реабилитация тамойиллари.

Болаларда Дори аллергияси, анафилактик шок, зардоб касалликларида. Дори аллергияси, анафилактик шок, зардоб касаллигида ноанъанавий тиббиёт услубларини қўллашнинг умумий принциплари. Дори аллергияси, анафилактик шок, зардоб касаллигининг турларига кўра даво чораларини ҳал қилиш, дори-дармонлар таснифи. Ичишга ва инъекциядаги дори-дармонларнинг фарқи ва аҳамияти. Даво чораларининг давомийлигига боғлиқ омиллар. Лаборатор кўрсаткичларнинг даво чораларни баҳолашда аҳамияти

Болаларда иммун тизими тикланиши ва ривожланиши. Наслий (бирламчи) иммуно танкислик ҳолати. Овқат ва дори аллергияси.

- эрта ёшдаги болаларни нафас аъзоларни, юрак-қон-томир тизимини, ошқозон-ичак касалликларни, қон, буйрак касалликларни, наслий ва иммунодефицит ҳолатларни ва аллергия касалликларни долзарб муаммолари;

- эрта ёшдаги болалардаги касалликларни ташхисоти ва давосида замонавий технологиялари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- эрта ёшдаги болаларни касалликларини эпидемиологиясини, этиологиясини, хавф омилларини, патогенезини, патоморфологиясини, замонавий таснифини, клиник кечишларини, асоратларини, ташхисот, замонавий даволаш усулларини, профилактика ва соғлиқни қайта тиклашни;

- эрта ёшдаги болаларнинг нафас аъзоларни, юрак-қон-томир тизимини, ошқозон-ичак касалликларни, қон, буйрак касалликларни, наслий ва иммунодефицит ҳолатларни ва аллергия касалликларда замонавий ташхис мажмуасини амалга оширишни;

- эрта ёшдаги болаларнинг нафас аъзоларни, юрак-қон-томир тизимини, ошқозон-ичак касалликларни, қон, буйрак касалликларни, наслий ва иммунодефицит ҳолатларни ва аллергия касалликларда даволаш, қайта тиклаш, профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни;

- илмий-исботлаш тиббиёт асосида ҳужжатларни, протоколларни ва стандартларни юритишни;

- тиббий генетик маслаҳатга кўрсатмаларни аниқлашни билиши ва улардан фойдалана олиши;

- замонавий тасниф буйича ташхисни қўйиш;

- текшириш ва даволаш режасини тузиш;

- лаборатор-инструментал (рентгенография, ЭКГ, ЭхоКГ, УТТ, клиник-лаборатор) текширувлар натижаларини таҳлил қилиш;

- даволаш муаложаларни (катетерлаш, зондлаш, ҳукна қилиш ва ҳ.к.) ўтказиш;

- қон умумий таҳлилини, коагулограмма натижаларни, қон оқиш ва ивиш вақтини таҳлил қилиш, қонни гуруҳини ва резус-факторни аниқлаш;

- қон қўйиш;

- суткалик диурез мониторинги;

- иммунограммани таҳлил қилиш;

- махсус аллергиялогик синамаларни қўйиш ва натижасини баҳолаш;

- махсус гипосенсибилизацияли давони тавсия этиш;

- иммунокоррекция давони танлаш;

- аллергиялогик касалликларда ва иммунодефицит ҳолати бор беморларга эмлашни ўтказиш;

- тиббий ҳужжатлар тўлдириш кўникмаларига ва тажрибаларига эга бўлиши керак.

Катта ёшдаги болалар патологияси махсус фанидан бўйича мавзулар

Нафас олиш тизимининг сурункали касалликлари: сурункали бронхит, сурункали пневмония, ўпка микозлари. Ўпканинг паразитар касалликлари. Бронхларда ёт жисм ва аспирацион жараён. Механик ва физико-химик омиллар таъсирида нафас аъзолардаги ўзгаришлар. Наслий ва тизимли касалликларда ўпканинг зарарланиши. Болаларда ўпка ва кўкс ораллиги ўсмалари ўткир нафас етишмовчилиги. Ревматизм. Орттирилган юрак нуқсонлари. Юрак ритмининг бузилиши. Томирлар дистонияси. Артериаль гипотензия – ва гипертензия. Юрак – томир етишмовчилиги. Артритлар. Бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари. Ошқозон ичак тизими касалликлари: сурункали гастрит, дуоденит, энтероколит, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги, носпецифик ярали колит, Крон касаллиги. Жигар ва ўт чиқариш тизими касалликлари: сурункали гепатит, цирроз, ўт чиқариш йўллари дискинезия, сурункали холецистит ва холангитлар, ўткир

ва сурункали панкреатит, ўткир жигар етишмовчилиги, ўткир ва сурункали гломерулонефрит, дисметаболик нефропатия, тубулопатиялар, ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги, интерстициаль нефрит. Орттирилган (иккиламчи) иммунтанкислик ҳолати ва синдроми. Бронхиал астма, респиратор аллергоз, аллергодерматоз

- катта ёшдаги болаларни нафас аъзоларни, юрак-қон-томир тизимини, ошқозон-ичак касалликларни, қон, буйрак касалликларни, наслий ва иммунодефицит ҳолатларни ва аллергик касалликларни долзарб муаммолари;

- катта ёшдаги болалардаги касалликларни ташхисоти ва давосида замонавий технологиялари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- катта ёшдаги болаларни касалликларини эпидемиологиясини, этиологиясини, хавф омилларини, патогенезини, патоморфологиясини, замонавий таснифини, клиник кечишларини, асоратларини, ташхисот, замонавий даволаш усулларини, профилактика ва соғлиқни қайта тиклашни;

- катта ёшдаги болаларнинг нафас аъзоларни, юрак-қон-томир тизимини, ошқозон-ичак касалликларни, қон, буйрак касалликларни замонавий ташхис мажмуасини амалга оширишни;

- катта ёшдаги болаларнинг нафас аъзоларни, юрак-қон-томир тизимини, ошқозон-ичак касалликларни, қон, буйрак касалликларни даволаш, қайта тиклаш, профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни;

- ташқи нафасни баҳолаш учун функционал синама ўтказиш, юрак-қон-томир тизимини, ошқозон-ичак трактини функционал ҳолатини аниқлаш учун юклаган тестлар ўтказишни;

- илмий-исботлаш тиббиёт асосида ҳужжатларни, протоколларни ва стандартларни юритишни билиши ва улардан фойдалана олиши;

- замонавий тасниф бўйича ташхисни қўйиш;

- текшириш ва даволаш режасини тузиш;

- лаборатор-инструментал (рентгенография, ЭКГ, ЭхоКГ, УТТ, клиник-лаборатор) текширувлар натижаларини таҳлил қилиш;

- даволаш муаложаларни (катетерлаш, зондлаш, ҳукна қилиш ва ҳ.к.) ўтказиш;

- қонни умумий таҳлилини, коагулограмма натижаларни, қон оқиш ва ивиш вақтини таҳлил қилиш, қон гуруҳини ва резус-факторни аниқлаш;

- қон қуйиш;

- суткалик диурез мониторинги;

- цитостатик ва иммунодепрессантларни танлаш ва тавсия этиш;

- ошқозон ва дуоденал зондлашни ўтказиш ва натижаларни таҳлил қилиш;

- ошқозон-ичак тракти рентген текширувларни, ЭФГДС, УТТ натижаларни таҳлил қилиш;

- буйрак касалларга пархез даво тавсия этиш;

- индивидуал равишда текшириш режа тавсия этиш ва натижаларни таҳлил қилиш;

- иммунограммани таҳлил қилиш;

- иммунокоррегик давони танлаш;

- аллергологик касалликларда ва иммунодефицит ҳолати бор беморларга эмлашни ўтказиш;

- тиббий ҳужжатлар тўлдириш кўникмаларига ва тажрибаларига эга бўлиши керак.

БОЛАЛАР ХИРУРГИЯСИ

фани бўйича:

Ушбу дастур Давлат таълим стандарти ва умумий амалиёт шифокорини тайерлаш дастури асосида тузилган, тиббиёт олий уқув юр்தларининг даволаш, тиббий педагогика факултетларининг талабаларига болалар жаррохлигидан таълим бериш учун мўлжалланган. Дастур болалар жаррохлигининг асосий булимларини ўз ичига олиб тиббиёт олий уқув юр்தлари талабаларига бола организмда кечадиган туғма норасоликлар ва касалликлари моҳиятини ва уларнинг механизмини молекула ва хужайра даражасида тушуниб етиш учун зарур булган билимларни эгаллашга имкон бериб, организмни фаолиятини ва унинг атроф муҳит билан мулоқотини чуқурроқ тушунишга асос яратади.

Қизилўнгач туғма ривожланиш нуқсонлари ва аномалиялари. Қизилўнгач анатомияси ва физиологиясини бола ёшига боғлиқлиги. Қизилўнгач атрезиялари, атрезия турлари (оқмали ва оқмасиз). Қизилўнгач стенози. Туғма қисқа қизилўнгач. Қизилўнгач-трахея оқмалари. Қизилўнгач халазияси ва ахалазияси. Қизилўнгач туғма хасталикларини клиникаси, ташхисланиши, даволаш амалиётидан кейинги соғлиқни тиклаш тадбирлари.

Ўпкаларнинг туғма ривожланиш нуқсонлари ва аномалиялари. Ўпкалар агенезияси, аплазияси ва гипоплазияси. Трахея ва бронхлар туғма норасоликлари. Ўпканинг туғма кисталари, туғма лобар эмфиземаси. Бронхоэктазлар. Ўпка секвестрланиши. Нафас йўллари туғма хасталиклари клиникаси, ташхиси, даволашдан кейинги соғлиқни тиклаш тадбирлари.

Диафрагма туғма чурралари. Ёлғон чурралар: Бохдалек чурраси, парастернал ва френико-перикардиал чурралар. Хақиқий: диафрагманинг қизилўнгач тешиги чурралари, диафрагма релаксацияси (турлари). Диафрагма чуррасида “асфиксик сиқилиши” синдроми. Диафрагма туғма чурралари клиникаси, ташхисланиши, даволаш, амалиётидан кейин соғлиқни тиклаш тадбирлари.

Меъда ва 12-бармоқли ичак туғма ўтувчанлигини бузилишлари (ичак тизимини юқори туғма тутилиши). Меъда-ичак йўлини анатомо-физиологик хусусиятлари. Ошқозон атрезияси. Пилороспазм. Пилоростеноз. Дуоденал тутилиши. 12-бармоқли ичак атрезиялари ва стенози. Аорта-мезентериал дуоденал тутилиш. Ичак ниҳояланмаган физиологик бурилиши. Ледд синдроми. Туғма юқори ичак тутилишлари клиникаси, ташхисланиши, даволаш ҳамда амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Болалар хирургияси умумий муаммоларининг амалий ва илмий асослари махсус фанидан мавзулар

Ўзбекистон Республикаси вилоят марказлари, туман марказлари, аҳоли пунктларида, қишлоқ жойларда болаларга поликлиник-амбулатор хирургик ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ва уларни ташкил қилиш.

Амбулатор шароитда кичик операцияларга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, оғриқсизлантириш турларини жорий қилиш, туғма нуқсонлари бўлган болаларни диспансер рўйхатга олиш, шошилиш ва режали операция муддатларини ишлаб чиқиш.

Юмшоқ тўқималардаги жароҳатланишлар, кесилишлар, тешилишлар, ҳайвонлар тишлашидаги касалликларда реабилитацияни, пассив ва актив иммунизацияни, қоқшолга қарши вакцинация режаларини тадбиқ қилиш.

Куйишлар, совуқ олишлар. Ошқозон-ичакдаги ёт жисмлар.

Тўғри ичак шиллиқ қаватининг тушиши, полиплар. Анал чиқарув тешигининг бошқа касалликларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам. Синехияда жаррохлик ёрдамини кўрсатиш. Бурсит, тендовагенит, тирноқ ўсиши ҳолларида, абсцесс, флегмона, лимфоденит, лимфонгаит, аденофлегмона, фурункул, карбункул, сарамас, панариция, амфолит. Йиринглаган кефолагематома, парапроктит, дермоит кисталар, қон томир норасоликлари. Варикоз кенгайишлар, киндикнинг нотўлиқ оқмаси, киндик

гранулемаси, фимоз, парафимоз, баланопаститда амбулатор-поликлиник ёрдам кўрсатиш.

- соғликни сақлашни ташкиллаштиришни;
- болалар урологиясини;
- болалар кардиохирургиясини;
- болалар неонатологиясини;
- болалар эндоскопик хирургиясини;
- болалар онкологиясини;
- ангиохирургиясини;
- тез ва шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни;
- болалар травматология-ортопедиясини;
- болалар анестезиология ва реаниматологиясини;
- катталар жарроҳлигини;
- суд тиббиёти, патологик анатомияни билиши ва улардан фойдалана олиши;
- клиник - лаборатор текширув диагностикасини, биохимия, микробиология, иммунология, рентгенологик, УТТ, эндоскопияни (ЭФГДС, ректороманоскопия, колоноскопия, трахеобронхоскопия, уретроцистоскопия, нефроскопия, лапароскопия, торакаскопия) ва бошқалар;
- болаларни эндоскопик текширувга тайёрлаш. Кўрсатмалар диагностик ва даво эндоскопияси, абдоминал ва торакал жарроҳлиги, урология ва проктологияда;
- инструментал текширувлар: радиоизотоп текшируви, компьютер томографияси (КТ), магнит-резонанс томографияси (МРТ), буғимларни бўшлиқлар (корин, кўкрак қафаси, кўкс оралиғи ва бошқалар);
- аъзоларнинг ва шуал томирларнинг ташқи томонидан жойлашиш жойини ва уларга кесим ўтказиш соҳалар;
- маҳаллий оғриқсизлантириш, новокаинли блокада;
- умумий оғриқсизлантириш турлари, кечими ва асорати;
- трахеостомия, микротрахеостомияга кўрсатма ва бажариш техникаси;
- нафас ва юрак тўхтаганда реанимация ёрдамини кўрсатиш;
- юрак қон томир етишмовчиликларда ташхислашни ва шошилиш ёрдам кўрсатиш;
- ўтқир нафас етишмовчиликларда ёрдам кўрсатиш;
- ўтқир ва сурункали нафас етишмовчиликлар;
- коматоз ҳолат;
- буйрак усти бези етишмовчилиги;
- парентерал озиклантириш ва ўтказиш асоси;
- этиология, патогенез, классификация, клиника, диагностика, даволаш ва асоратлар;
- жароҳатлар ва жароҳатланишда инфекция тушиши (кечими, иммунопрофилактикаси, анаэроб инфекция);
- тери юзасининг куйишлари: иссиқдан, кимёвий, электр токидан;
- совуқ олишларини ва унинг асоратлари;
- болаларда политравма, бош мия шикастланишлари, синишлар, чиқишлар, (репозиция ва иммобилизация қилиш, асорати);
- сон суягининг шикастланиши ва чиқишлари (репозиция ва иммобилизацияси);
- болдир, панжа суякларнинг чаноқ суягининг шикастланишлари (репозиция ва иммобилизацияси);
- кўкрак қафасининг деформациялари (хиругик коррекцияси);
- сон суягининг туғма чиқишлари, болдир суякларининг эгрилиги;
- умуртқа поғонаси деформацияси;
- биопсияга, аутопсияга материал олиш техникаси;
- цитологик текширувларга кўрсатма ва бажариш техникаси;
- ўлган болаларда қорин бўшлиғи, кўкрак қафаси, қорин парда орти аъзоларининг

- касалликларидан ўлган болаларда клиник, патанатомик ташхислаш;
- болаларда сепсисга клиник патанатомик тавсиф бериш;
- чакалоқлар ва чала туғилган болаларда хирургик касалликларни ташхислаш;
- профилактика ва турли хилдаги асоратланган ҳолларда даволаш;
- клиник, лаборатор, инструментал текшириш ва интерпритация қилиш;
- инструментал диагностика, эндоскопик текширувлар, лазер билан ишлаш;
- лапаротомия кесимлари (Дьяконов-Волкович, Ленандер, параректал, ўрта);
- ичакларга анастомоз қўйиш;
- торакоцентез ва плевра бўшлиғини дренажлаш;
- маҳаллий ва умумий оғриқсизлантириш турларини шошилишч реанимация ва интенсив терапия кўрсатиш кўникмаларига ва тажрибасига эга бўлиши керак.

Ичак тизимини қўйи туғма тутилиши. Ингичка ичак атрезияси. Қорин бўшлиғининг ички чурралари. Ичак найининг туғма иккиланиши. Мекониал илеус. Гиршспрунг касаллиги. Долихосигма. Аноректал соха ривожланиш нуқсонлари: тўғри ичак ва орқа чиқарув тешиги атрезияси (оқма ва оқмасиз шакли). Туғма қўйи ичак тутилиши клиникаси, ташхисланиши, даволаш ҳамда амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Жигар, ўт йўллари ва меъда ости безини ривожланиш

нуқсонлари ва аномалиялари. Туғма портал гипертензия сабаблари. Болаларда дарвоза венасининг тромбози. Бадд-Киари синдроми. Фиброхолангиокистоз. Биллиар атрезияни жигар ичи ва ташқи ҳамда мужассам турлари. Умумий ўт йўли ва меъда ости безини кисталари. Халқасимон меъда ости бези (тўлиқ ва нотўлиқ халқа кўринишлари).

Жигар, ўт йўллари ва меъда ости безини ривожланиш нуқсонлари ва аномалиялари клиникаси, ташхисланиши, даволаш ҳамда амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Бўйраклар ва пешоб чиқариш йўлларининг ривожланиш

нуқсонлари ва аномалиялари. Бўйракларнинг ривожланиш нуқсонлари ва аномалиялари (классификацияси, бўйрак ривожланиш аномалиялари тавсилоти). Сийдик найи ривожланиш нуқсон ва аномалиялари: сийдик найи обструкцияси, сийдик найи иккиланиши, гидроуретер, мегауретер, қовуқ-сийдик найи рефлюкси. Болаларда гидронефроз. Инфравезикал обструкция: сийдик чиқарув канали стенозлари ва қопқалари, уруғ дўнгчаси гипертрофияси, мегатригонум ва Лъето учбурчаклигининг шиллик парда гипертрофияси ҳамда Марион касаллиги. Қовуқ туғма касалликлари: туғма иккиланиши, экстрофияси, дивертикули ва урахус битмаслиги. Бўйраклар ва сийдик чиқарув йўллари тизимининг туғма хасталиклари клиникаси, ташхисланиши, даволаш ҳамда амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Қорин олд девори ҳамда қоринпарда қин ўсимтасининг туғма ривожланиш нуқсонлари ва аномалиялари. Қорин олд девори ривожланиш нуқсонлари: киндак чурраси, қорин оқ чизиғи чурралари, гастрошизис ва эмбрионал чурра. Қовуқ экстрофияси. Қоринпарда қин ўсимтасининг битмаслиги. Туғма чов чурралари (чов-ёрғоқ ҳамда чов-лабиал чурралар), мойк ва уруғ тизими парда истисқоси, Нукк кистаси. Қорин олд девори ҳамда қоринпарда қин ўсимтасининг туғма хасталиклари клиникаси, ташхисланиши, даволаш ҳамда амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Ташқи жинсий аъзоларнинг туғма ривожланиш нуқсонлари ҳамда аномалиялари. Мойкларнинг туғма ривожланиш нуқсонлари. Анорхизм. Монорхизм. Мойк агенезияси ва аплазияси. Полиорхизм. Крипторхизм. Мойк эктопиялари. Варикоцеле. Фимоз. Гипоспадия. Эписпадия. Гематокольпос ва гематометра. Ташқи жинсий аъзоларнинг туғма хасталикларининг клиникаси, ташхисланиши, даволаш ҳамда амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Болаларда кўкрак бўшлиғи таранглашиш синдроми. Ўпка бактериал деструкцияси, классификацияси. Плевра пункцияси (анжомлар, бажариш йўриғи). Торакоцентез (кўрсатмаси, анжомлар, бажариш йўриғи). Плевра бўшлиғини илғор ва

сусткаш дренажлаш. Медиастенит ва кўкс оралиғи эмфиземаси. Микротрахеостомия ва медиастенотомия (кўрсатмаси, анжомлар ва бажариш йўриғи). Кўкрак бўшлиғи таранглашиш синдроми чақирувчи касалликлар клиникаси, ташхисланиши, даволаш ҳамда амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Болаларда ўткир қорин синдроми. Болаларда ўткир аппендицит хусусиятлари. Чувалчангсимон ўсимта ва қорин бўшлиғи аъзоларининг ўсаётган организмдаги анатомик ва физиологик нозикликлари. Болаларда аппендицит таснифи ҳамда бола ёшига боғлиқ бўлган клиникаси ва қиёсий ташхислаш хусусиятлари. Аппендицитни ташхислаш ва ўзини ҳамда асоратларини даволашга бўлган замонавий қараш.

Болаларда перитонит (чақалоқлар перитонити, қизалоқлар криптоген пельвиоперитонити, аппендикуляр перитонит). Ташхислаш ва даволаш тактикаси. Ярали-некротик энтероколит: клиникаси, диагностикаси, даволаш ва амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Болаларда меъда - ичак трактидан қон кетиш. Болаларда дарвоза гипертензияси синдроми: таснифи, клиникаси, ташхиси ва даволаш усуллари. Меллори-Вейс синдроми: сабаблари, клиникаси, қиёсий ташхисланиши, даволаш тактикаси. Ошқозон ўткир яраси ҳамда меъда ва 12-бармоқли ичак яра касаллиги: асоратлари, ташхисланиши, даволаш. Меккел дивертикули: қон кетиш сабаблари, диагностикаси ва даволаш. Тўғри ичак полипи: турлари, асоратлари, ташхислаш, даволаш. Болаларда меъда - ичак трактидан қон кетишини даволаш ва амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Болаларда орттирилган ичак тутилиши. Болаларда орттирилган ичак тутилиши таснифи, клиникаси, ташхислаш ва қиёсий ташхислаш. Обтурацион ичак тутилишлари (трихо-, фитобезоарлар; гижжа инвазияси ва копростаз). Ёпишма чандикли ичак тутилиши: сабаблари, таснифи, клиникаси, ташхислаш, даволаш. Ичак инвагинацияси: турлари, этиологияси, клиникаси, диагностикаси, даволаш усуллари. Болаларда ортирилган ичак тутилишини даволаш ва амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Хирургик инфекциянинг болалардаги хусусиятлари. Болаларда йирингли хирургик касалликлар келиб чиқишидаги тўқималарнинг бола ёшига боғлиқ анатомик ва физиологик хусусиятлари роли. Чақалоқлар некротик флегмонаси. Чақалоқлар мастити. Омфалит. Аденофлегмона. Псевдофурункулез. Болалар йирингли хирургик касалликлари клиникаси, ташхисланиши, даволаш ҳамда амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Болаларда ўткир гематоген остеомиелит. Ўткир гематоген остеомиелит. Остеомиелитнинг сурункали ва атипик турлари. Остеомиелитларни болаларда учраш сабаблари, кечиш ўзига хосликлари, ташхислаш ва даволаш хусусиятлари. Болаларда остеомиелитни клиникаси, ташхисланиши, даволаш ҳамда амалиёт ишидан кейинги соғлиқни қайта тиклаш тадбирлари.

Болалар амбулатор поликлиник хирургиясининг амалий ва илмий асослари махсус фани бўйича мавзулар

Ўзбекистон Республикаси вилоят марказлари, туман марказлари, аҳоли пунктларида, қишлоқ жойларда болаларга поликлиник-амбулатор хирургик ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари ва уларни ташкил қилиш.

Амбулатор шароитда кичик операцияларга кўрсатмаларни ишлаб чиқиш, оғриқсизлантириш турларини жорий қилиш, туғма нуқсонлари бўлган болаларни диспансер рўйхатга олиш, шошилиш ва режали операция муддатларини ишлаб чиқиш.

Юмшоқ тўқималардаги жароҳатланишлар, кесилишлар, тешилишлар, ҳайвонлар тишлашидаги касалликларда реабилитацияни, пассив ва актив иммунизацияни, қоқшолга қарши вакцинация режаларини тадбиқ қилиш.

Куйишлар, совуқ олишлар. Ошқозон-ичакдаги ёт жисмлар.

Тўғри ичак шиллиқ қаватининг тушиши, полиплар. Анал чиқарув тешигининг бошқа касалликларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам. Синехияда жарроҳлик ёрдамини кўрсатиш. Бурсит, тендовагенит, тирноқ ўсиши ҳолларида, абсцесс, флегмона, лимфоденит, лимфонгаит, аденофлегмона, фурункул, карбункул, сарамас, панариция, амфолит. Йиринглаган кефологематома, парапроктит, дермоит кисталар, қон томир норосоликлари. Варикоз кенгайишлар, киндикнинг нотўлиқ оқмаси, киндик гранулемаси, фимоз, парафимоз, баланопаститда амбулатор-поликлиник ёрдам кўрсатиш.

- болалар ёшида учрайдиган нуқсонлар, норосолик ва касалликларни оператив даво муддати;

- болалар ёшида хирургик касалликлар, норосоликлар, нуқсонлар, жароҳатланишларни ташхислаш, диспансер назоратга олиш;

- болаларда шошилич ва режали жарроҳлик касалликларни эрта ташхислаш оператив даво муолажаларни муддатини ва бажарилиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;

- поликлиника шароитида болалар орасида бўладиган шикастланишлар, касалликлар, норосоликлар ва нуқсонларни ташхислаш. Мустақил равишда беморларни қабул қилиш ва амбулатор картага тушириш;

- консерватив ва оператив даво муолажаларни поликлиникада ва бўлимларда ташкил қилиш, шошилич ва режали равишда операцияга кўрсатмалар бериш;

- ковокни катетеризация қилиш, плевра бўшлиғини пункция қилиш, жароҳатларни тикиш ва бошқа бўшлиқларни пункцияси;

- кичик хажмдаги операцияларни поликлиника шароитида ўтказиш;

- радикал реконструктив, абдоминал, торакал, урология, колопроктология бўйича операция ўтказилган болаларни диспансер рўйхатга олиш ва реабилитация қилиш муддатини билиши, улардан фойдалана олиши, кўникма ва тажрибаларига эга бўлиши керак.

БОЛАЛАР АНЕСТЕЗИОЛОГИЯСИ ВА РЕАНИМАТОЛОГИЯСИ фани бўйича:

Анестезиология ва реаниматология интенсив терапия билан битта клиник фаннинг бири билан боғлиқ бўлган бўлимидир. Анестезиология фаннинг таркибий қисми бўлиб, замонавий қарашлар бўйича оператив муолажа билан боғлиқ бўлган ҳаётининг муҳим аъзолар фаолиятини ўрганиш ва бошқаришни таъминлаш, организмни операцион стрессдан химоя қилишга йўналтирилган.

Умумий ва маҳаллий анестезия ўтказиш турлари, услуб ва техникаси. Оғриқ физиологияси: марказий нерв системаси ва анестезиянинг бир-бирига боғлиқлиги. Замонавий комбинациялашган умумий анестезиянинг таркиби. Ингаляцион ва ноингаляцион анестетикларнинг фармакодинамикаси, фармакокинетикаси. Мушак релаксантлари: таснифи, таъсир механизми, фармакодинамикаси, клиник қўлланилиши. Маҳаллий ўтказувчан анестезия учун қўлланиладиган воситалар: характеристикаси, клиник қўлланилиши. Никоб орқали анестезия ўтказиш усули: кўрсатмалари ва қарши кўрсатмалари, асоратлари, уларнинг олдини олиш ва даволаш. Комбинациялашган эндотрахеал анестезия усуллари: босқичлари, асоратлари, уларнинг олдини олиш ва даволаш. Трахеяни интубация қилиш техникаси, қийин интубация сабаблари, уларни бартараф қилиш йўллари.

Болалар клиник анестезиологияси махсус фани бўйича мавзулар

Комбинациялашган вена ичи анестезияси усуллари: кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар, асоратларининг олдини олиш ва уларни даволаш.

Анестезиянинг организм тизимлари ва органларининг функционал ҳолатига таъсири. Умумий анестезияни юрак қон томир тизимига таъсири. Операция ва анестезия вақтида қон айланиш тизими мониторинги. Умумий анестезиянинг нафас тизимига таъсири. Операция ва анестезия вақтида нафас ва ўпка вентиляцияси мониторинги адекватлиги. Умумий анестезиянинг жигар, буйраклар, эндокрин системаси, кислота-ишкор системаси ва сув-электролит системаси фаолиятига таъсири.

Махаллий ва ўтказувчан анестезия. Хирургиянинг ихтисослашган бўлимларида махаллий ва ўтказувчан анестезия хусусиятлари. Спинал ва эпидурал анестезиянинг акушерлик ва гинекологияда қўлланилиши. Спинал ва эпидурал анестезиянинг урологик операцияларда қўлланилиши. Махаллий, спинал ва перидурал анестезия усуллари: кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар, асоратлари ва уларнинг олдини олиш ва даволаш.

Анестезиология ва реанматология бўлимларини ташкиллаштириш ва жихозлаш. Структураси, хужжатларини юритиш, штатлари, бўлимни жихозлаш. Аппаратура ва наркоз учун техник воситалар, назорат-диагностик аппаратлар, аппаратурани ишга тайёрлаш ва эксплуатацияси. Наркоз нафас аппаратларини стериллаш ва дезинфекциялаш. Наркоз нафас аппаратлари билан ишлаганда техника хавфсизлиги.

Бемор организми тизимининг функционал ҳолатини баҳолаш. Беморни операция ва анестезияга тайёрлаш. Операциядан олдин бемор умумий ҳолатини, аъзолар ва системалар фаолиятини баҳолаш, операцион-анестезиологик хавф даражасини аниқлаш.

Беморларни ёндош касаллик, гомеостаз бузилишлари ва ўтказиладиган операция характеридан келиб чиқиб режали ва шошилиш операция ва наркозга тайёрлаш. Операция ва анестезияга даволаш ва профилактик тайёрлаш усуллари. Премедикациянинг турлари, мақсади ва воситалари, унинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари.

Ихтисослаштирилган жаррохлик бўлимларида умумий анестезиянинг ахамиятлари (хусусиятлари). Қорин бўшлиғи операцияларида: ошқозонгичак тизими, жигар, ўт чиқариш йўллари, ошқозон ости беги операцияларида умумий анестезия хусусиятлари. Кўкрак қафаси аъзолари: ўпка, юрак, магистрал томирлар операцияларида умумий анестезия хусусиятлари. Нейрохирургик, травматологик ва ортопедик операцияларда умумий анестезия хусусиятлари. Хирургик стоматология, оториноларингология, офтальмологияда умумий анестезиянинг ўзига хослиги. Акушерлик-гинекология амалиётида, қисман туғруқни оғриқсизлантириш, кесар қирқиш операциясида, қисқа муддатли акушерлик муолажаларида ва кичик гинекологик операцияларда умумий анестезиялари. Урологияда умумий анестезиянинг ўзига хослиги. Амбулатор хирургия амалиётида умумий анестезияни қўллаш. Шошилиш хирургияда умумий анестезия хусусиятлари. Ёндош касалликлари бўлган беморларда, хусусан юрак томир касалликлари, нафас системаси хасталиги, жигар, буйраклар ва эндокрин системаси патологияси билан умумий анестезия ўтказиш

Болалар клиник реаниматологияси махсус фани бўйича мавзулар

Ўткир юрак-қон-томир етишмовчилиги ва қон айланиши тўхтаган беморлар реанимацияси ва интенсив терапияси. Қон айланиш физиологияси. Кичик қон ҳайдалиш синдроми асоси. Ўткир юрак-қон томир етишмовчилиги шакллари. Ўткир чап қоринча етишмовчилиги: ўпка шиши, этиологияси, патогенези, диагностикаси, клиникаси ва интенсив даволаш. Қон, суюқлик йўқотиш ва травма натижасида келиб чиқувчи гиповолемик шок: этиопатогенези, диагностикаси, клиникаси, интенсив даволаш ва реанимацияси. Анафилаксия ва сепсис натижасида келиб чиқувчи қайта тақсимланувчи шок: этиопатогенези, диагностикаси, клиникаси, интенсив даволаш ва реанимацияси. Кардиоген шок: сабаблари, патогенези, диагностикаси, клиникаси, интенсив даволаш ва реанимацияси. Обструктив шок ўпка артерияси тромбоэмболияси, сабаблари, патогенези, диагностикаси, клиникаси, интенсив даволаш ва реанимацияси. Клиник ўлим: клиник

ўлим патофизиологияси, ўпка-юрак реанимациясининг махсулаштирилган усуллари. Постреанимацион касаллик.

Ўткир нафас етишмовчилиги бўлган беморларнинг реанимацияси ва интенсив терапияси. Нафас олиш физиологияси, ўткир нафас етишмовчилиги сабабларидан келиб чиқиб патофизиологик ривожланиш механизмлари (вентиляция, диффузия, перфузиянинг бузилиши). Ўткир нафас етишмовчилигининг диагностикаси: клиник белгилари, қондаги газлар миқдори ва функционал текширувлар натижасига асосланиб унинг оғирлик даражасини баҳолаш. Трахеобронхиал ўтказувчанликнинг қисман ва тўлиқ бузилиши натижасида келиб чиқувчи ўткир нафас етишмовчилигининг диагностикаси, интенсив даволаш усуллари ва реанимацияси. Астматик статус, массив пневмония, катталардаги респиратор дистресс синдромида УНЕ: диагностикаси, интенсив даволаш ва реанимацияси. Марказий характердаги УНЕ (комалар, БМЁЖ, бош мия шиши, захарланишлар), интенсив даволаш усуллари. Кўкрак қафаси травмалари пневмо-, гемоторакслар натижасида келиб чиқувчи УНЕ, интенсив даволаш усуллари.

Ўткир жигар ва буйрак етишмовчилиги. Ўткир буйрак етишмовчилиги сабаблари, патофизиологияси, биохимиявий ўзгаришлар, клиник кечиши. Ўткир буйрак етишмовчилиги интенсив терапия усуллари, гемодиализга кўрсатмалар. Ўткир жигар етишмовчилигининг сабаблари, патофизиологияси, биохимик ўзгаришлар, клиник кечиши. Ўткир жигар етишмовчилигида ИТ усуллари, экстракорпорал детоксикация усулларига кўрсатмалар.

Ўткир экзоген захарланишлар. Захарларнинг танлаб таъсир қилиши бўйича таснифи, клиник диагностикаси, ўткир захарланишларнинг ўзига хос симптомлари ва синдромлари; организмни табиий ва сунъий детоксикация усуллари, антидотли терапия. Наркотик ва ухлатувчи дори востилари, алкоголь ва унинг ҳосилалари билан захарланиш, умумий ва махсус интенсив терапия усуллари. Кислота ва ишкор, хлорланган углеводородлар и фосфорорганик бирикмалар билан захарланишлар, умумий ва махсус интенсив терапия усуллари. Ис газы, хайвон ва ўсимлик захарлари билан захарланиш, умумий ва махсус ИТ усуллари.

Акушерлик ва гинекологияда критик ҳолатлар. Акушерликда профуз қон кетиши ва массив қон йўқотиш, асоратлари (шок, ДВС-синдроми, ўткир буйрак етишмовчилиги), асоратларини олдини олиш, интенсив терапия усуллари. Эклампсия, эклампсик кома: патогенези, клиникаси, диагностикаси, интенсив терапия усуллари ва реанимацияси. Асфиксияда туғилган чақалоқларни реанимацияси ва интенсив терапияси.

Коматоз ҳолатдаги беморларни реанимацияси ва интенсив терапияси. Кандли диабет, унинг асоратлари: гипер- ва гипогликемик комалар, кетоацидотик ва гиперосмоляр кома, интенсив терапия усуллари. Неврологик кома: этиология, патогенези, диагностикаси, ишемик ва геморрагик инсультларнинг клиникаси, мия шиши ИТ усуллари. Бош мия ёпик жароҳати: патогенези, диагностикаси, бош мия лат ейиши, мия ичи гематомаси клиникаси, интенсив терапия усуллари. Жигар ва уремик комалар: этиологияси, патогенези, диагностикаси, клиникаси, интенсив терапия усуллари, экстракорпорал детоксикация ўтказишга кўрсатмалар.

Талваса ва гипертермик синдромлар реанимацияси ва интенсив терапияси. Талваса синдроми этиологияси, патогенези, клиникаси. Эпилептик статус ва қоқшолда интенсив терапия ва реанимация. Гипертермик синдром: этиологияси, патогенези, диагностикаси, клиникаси, интенсив терапия ва реанимацияси.

Операциядан кейинги дастлабки даврдаги беморларнинг интенсив терапияси. Кўкрак қафаси, қорин бўшлиғи, сийдик йўллари системаси, томирлардаги операциялар, нейрохирургик ва травматологик операциялар, акушер-гинекологик патологияларда бажариладиган амалиётлардан кейинги эрта даврнинг ўзига хос кечиши. Нафас ва қон айланиш патофизиологияси, операциядан кейинги эрта даврда гомеостазнинг биохимик бузилишлари, уларни коррекциялаш усуллари. Операциядан кейинги асоратларни олдини олиш ва даволаш.

Инфузион-трансфузион терапия. Парентерал озикланиш. Инфузион-трансфузион терапия макседи, циркуляциядаги қон хажми, қон реологияси, биохимик бузилишлар, коллоид-осмотик босим бузилишларни коррекциялаш, детоксикация, парентерал озиклантириш. Инфузион-трансфузион терапия дори воситалари, кристаллоид ва коллоид эритмалар, қон ва унинг компонентлари, детоксикация препаратлари, парентерал озиклантириш воситалари. Инфузион-трансфузион терапия ўтказиш усуллари ва унинг асоратлари, уларнинг олдини олиш ва даволаш.

БОЛАЛАР КАРДИОЛОГИЯСИ ВА РЕВМАТОЛОГИЯСИ фани бўйича:

